



ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН 121 (19.197). 1985 йил 26 май, якшанба Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика касабасозларини ва барча меҳнаткашларини шонли сана...

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика партия, совет, ҳўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг «Ичкилик-бозлик ва алкоголизмга қарши курашнинг тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасидаги вазифаларни масаласини кўриб чиқди.

● ХИМИКЛАР 73 БАЙРАМЛАРИНИ КАТА ЮТУҚЛАР БИЛАН НИШОНЛАМОҚДАЛАР ● РЕСПУБЛИКА КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИ ● СОВЕТ ВА ҲИНД ХАЛҚЛАРИНИНГ ДУСТЛИГИ — АБАДИЙ

ХУРМАТ ТАХТАСИ Пилла тайёрлаш планини муддатидан килари бажарганликлари учун қуйдагилар республика «Хурмат тахтасига» ёзилди: Ангор району — район партия комитетининг секретари Ш. К. Назарова, район ижроия комитети раиси А. Ч. Лапасов, район комсомол комитетининг секретари Р. У. Узманова, бош пиллахона директори А. Сариев.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков 24 май куни ПЕИП Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Совети Рансининг ўринбосари С. Месснер билан учрашди.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА КЕНГАШ

23—24 май кунлари Москвада иттифоқдош республикалар ташқи ишлар министрларининг кенгаши бўлди. Кенгаш чоғида иш тажрибасин баҳам қилди.

Р. Гандининг Қирғизистонда бўлиши

ФРУНЗЕ, 25 май. (ТАСС). СССР билан Ҳиндистон халқларининг яхши қўшнчилиги муносабатларини мустаҳкамлашга Қирғизистон ССР ҳам муайян ҳисса қўшмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самонин қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди. Мазкур Фармонда қуйдагилар кўзда тутилади:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ушбу Фармоннинг 3-ва 4-моддаларида кўзда тутилган ҳуқуқ-тартиботни бузганлик ҳақидаги ишлар халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ, овул Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советлари ижроия комитетлари ёки халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги ичкиликбозликка қарши кураш олий борауни комиссиялар томонидан кўриб чиқилди.

БУГУН — ХИМИКЛАР КУНИ

Бугун Ҳиндистон республикасининг Бош вазири Р. Ганди Қирғизистон ССР раҳбарлари билан учрашганда шулар ҳақида гапирди. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев мەхмонни самийий табриклав, уни республиканинг иқтисодий ва социал тараққиёти билан таништириди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қатъий ишонч билдириб айтибдики, республика касабасозлари партия сийёсатини амалга ошириш учун бундан бунён ҳам тимий кураш олиб боради.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

24 май куни Москвада СССР Мудофаа министрлиги партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми якулини ва Мудофаа министрлиги партия ташкилотларининг Пленум қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳофиза қилинди.



Суратда: Олмамлак химия заводининг экстракция цехи илгор аппаратчиси Манзура Эргашева. У самараан меҳнат билан қисқа вақтда обуру-этибор топди. Технолоғия интизом талабларига қатъий амал қилади. Уни корхона коллектив шаҳар Совети депутатлигига сайлаган.



В. Сироткин фотоси.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Профессионал байрамга тайёрларлик мамлакат хизматлари учун резервлар кўчиги бўлди. Тармоқнинг илгор корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини бажара бориб, ўз ишларига янада талабчанлик билан ёндашмоқдалар.

ТАСС

БОШҚАРИШ МАКТАБИ, КОММУНИЗМ МАКТАБИ

Эртага республикамиз меҳнаткашлари Ўзбекистон касаба союзлари ташкил топган куннинг 60 йиллигини нишонлайдилар

Ишчилар оммаси, яъни унинг жуда кўпчилиги (сўнгра эса барча меҳнаткашлар) билан алоқа—касаба союзларининг ҳар қандай ишида муваффақият қозонишнинг энг муҳим, энг асосий шартидир.

В. И. ЛЕНИН

Замондошларимиз

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

Бугун ҳар биримизнинг қалбларимиз ўз касбимиздан, меҳнат қилаётган коллективимиз эришадиган ютуқларидан ифтихор туйғусига тўлиб-тошгандир. Бу туйғуни кучайтирадиган яна бир муҳим омил шундан иборатки, биз Ўзбекистон касаба союзларининг шонли 60 йиллигини нишонламоқдамиз. Доҳиймиз В. И. Ленин касаба союзларининг иқтисодий ҳаётимиздаги ролига гўя қўри баҳо берган ва уни коммунизм қуришини ўргатиш мактаби деб атаган эди.

Дарҳақиқат, ҳар биримиз бу мактабда ишга оғли муносабатини, ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ташаббускорликни, етишган масалаларни ҳал этишда ижодкорликни ўрганимиз. Ёлғиз бизнинг Бухоро газлаштириш иттифози бўлимади, касаба союз ташкилотлари баъзада оширётган ишлар ҳам бундан эркин далолат беради. Корхонамизда Ибодулло Яхеевни ақойиб ташкилотчи, ешларнинг меҳрибон устози, қисқаси сифатида ҳурмат қилишди. У корхона касаба союз ташкилотининг ҳаётида фаол қатнашмоқда. Меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларини жорий этиш масалаларидан тортиб барча катта-кичи муаммоларни ҳал этишда биз касаба союз активистининг иштирокини сезиб тураемиз.

Касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақани ташкил этиш, коммунистик меҳнат ҳаракатини кучайтириш масалаларига ҳамназамида фаол қатнашмоқда. Шайхон Советининг депутати Полина Глухова, Галия Ивановалар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари КПСС XXVII съезди шарафига бошланган 27 зарбдор ўн куликда алоҳида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўн саккизлар ташаббусига қўшилиб, ўз бурчида оғли муносабат намуналарини кўрсатаётган Тур Абизов, Ҳазратулло Ашуров сингари етти нафарнинг номини шаҳар меҳнаткашлари ҳурмат билан тилга олишмоқда.

Ўзим ҳам мана шу коллективда камол топдим. Касаба союз ташкилотимизнинг фаолиятида актив қатнашувчи, иқтисодий ҳаётимиз мактабидан ўтдим. Чинқасбларим менга гўя юксак ишонч билдирди. Бутун иттифоқ касаба союзлари съездида делегат қилиб сайланган эди. Съездда ВЦПС аъзоллигига сайландим. Области касаба союзлари Советининг Президиуми аъзоси сифатида катта-кичи масалаларни ҳал этишда қатнашмоқдам. Мана шу иш жараёнида мен касаба союзлари чинакамгина давлатни бошқариш мактабини, коммунизм мактабини эканли-

гига ишонч ҳосил қилаётганман. Оқдигина бир ишчи давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим юмушларни баъжарётганлиги бунинг далили эмасми, ахир?

Касаба союз комитетимиз меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш, дам олишни тўғри ташкил этиш, буш вақтларини кўнгилли ўтказишларини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Турли урғунлар, оммавий-маданий тадбирлар коллектив аъзоларини ўз меҳнатига оғли муносабатда бўлиши руҳида тарбиялайди. Қатрада қўйиб ақс этади. Худди шунга ўхшаб бизнинг биргина бошланғич касаба союз ташкилотимизнинг кундалик фаолиятида бошқарув мактабини, коммунизм мактабини бўлган касаба союзларининг кенг қўламини ишлари ўз ифодасини топаётди. Мен катта-кичи йиғилишларда, кенгашларда қатнашадиганимда мамлакатимиз социалистик ривожланишнинг режалари муҳофазат қилинаётган кезларда жонажон Ватанимиз учун, Коммунистик партиямиз учун чуқур ифтихор туйғусини ҳис этаман. Бу бекиз эмас, албатта. Зеро, фақат бизнинг мамлакатимиздагина ишчилар синди, колхозчилар, меҳнаткаш зибиллар ўз мамлакатларининг ҳақиқий ҳўжайинларидир. Ўзбекистон касаба союзлари 60 йил босиб ўтди. Мана шу йиллар ичда республикамизда ишчилар синфининг кўп миллионли отряди камол топди.

Саноатимиз, қишлоқ ҳўжайинчилиги, маданиятимиз илм-фанимизнинг туркираб ривожланишини айтмай-сизми! Бир-авлод умричалик муддатда республикамиз қолоқ қишлоқ ҳўжайинчилиги асосидан саноати, фан-техника тараққийининг бугунги ютуқлари даражасида ривожланган, қишлоқ ҳўжайинчилиги индустриал изга тобора

кенг қўламага ўтиб бораётган агросаноат республикамизга айланди. Меҳнаткаш инсоннинг ўзи ҳам ўзгарди. Мен ҳар кун ишга келаётганимда атрофимда қадам ташлаб бораётган ҳамкасбларимни кузатаман. Уларнинг ҳаёти йўлини бир-бир кўз ўнгимдан ўтказаман. Муҳаммаджон Нуъмоновни олайлик. У мана шу коллективда қўли гул мастер даражасига бўлган камолот йўлини босиб ўтди. Полина Глухова эса ўзининг меҳнати билан эл-юртга танилиб, шаҳар Совети депутатлигига сайланди.

Бундай мисоллар яқин-ёлғиз эмас. Бу ниямнинг шарофати? Бу шунинг шарофатини, республика касаба союзлари Совети меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришдаги иқтисодий ҳаётдаги активлигини ошириши, уларнинг ишлаб чиқаришни кучайтириш чораларини кўрмоқда. Шу ўринда ҳозир республикамизда авж олиб кетган «КПСС XXVII съездида — 27 зарбдор ўн кулик» ҳаракатини олиб кўрайлик. Бир гуруҳга ишлаб чиқариш илгорлари партия съездин юзасидан бошланган бу ташаббусни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Ҳўш, бу ташаббусни бошлаганлар ким? Улар оддий ишчилар, колхозчилар — коммунизм бунёдкорларидир. Ташаббускорлар орасида шахримизда зарбулик фабрикасининг каштакчи Шамсия Ганиева ҳам бор. Мен бу меҳнаткаш аёлни касаба союз йиғилишларида кўрганман. Ўз ишига оғли муносабат Шамсия Ганиеванинг фаиллиги кўради. Мана шу ташаббускорлар сафига ҳам уни худди шу фазилат етаклаб келди. Ёни Бухоро локомотив депоси машинисти Александр Власовни олайлик. У ҳам мана шу ташаббускорлар сафида.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидаги докладыда, Ленинград меҳнат коллективларидан урғунларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев экономикани интенсификация ривожлантиришни таъминлаш, техника тараққийини сураётларини жадаллаштириш, тартиб ва уюшқоқликни қарор топтириш, меҳнат иттизоминини мустаҳкамлаш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратди. Бу борада ҳам касаба союзлари олдида гўя кенг фаолият майдони мавжуд. Улар ишлаб чиқаришни пухта ташкил этиш, илгор иш усулларини раціонализаторлик тақлифларини жорий этиш, меҳнаткашларнинг касб-маҳоратини ошириш масалалари билан иччил шуғуллашмоқдалар.

Катта байрамларда биз нималарга эришганимизни, олға қараб дадил қадам ташлаш учун, режаларимизни рўёбга чиқариш учун яна нималар қилишимиз кераклигини ўйлаб чиқамиз. Касаба союзларининг бугунги юбилейи ҳам биздан шунга тақозо этмоқда. Касаба союз комитетлари ҳар бир киши ўз иш жойида умумий вазифини бажаришга, партия съездин муносиб кўтиб олиш, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятлик аяқулаш учун курашга ўзи қўлашадиган ҳиссани аниқ билиб олиши, уни тобора кўпайтириш учун муваффақиятлик тақлифларини кўчатиришлари керак. Биз шундай меҳнат қилмоғимиз лозимки, токи партия XXVI съездининг ўн биринчи беш йиллик белгилаган вазифалари муваффақиятлик бажарилсин, ҳар бир меҳнат коллективининг социалистик ривожлантириш режалари рўёбга чиқарилсин. Мана шундангина биз партия съездида ўн биринчи беш йиллик зарбдор меҳнат билан аяқулаганимиз, коммунизмни қуришишда яна бир янги босқичга кўтарилганимиз тўғрисида ёруғ юз билан рапорт бера оламиз.

Т. ШЧЕРБАКОВА,
Бухоро шаҳар газ ҳўжайинчилиги фойдаланиш идорасининг оператори, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг аъзоси.



Э Л Қ И З И

Бу аёлни обаласте деярли ҳамма танийди ва ҳурмат қилади. Сирдарё районидagi «Малик» совхоз меҳнаткашлари эса у билан ҳақли равишда фазилатларини Мирзачўлга кўчиб келишганида Тўхтахо 7 ёшли қизча эди. Шу ерда ўсиб улғайди, камол топди. Урта мактабни битиргандан сўнг эса чўлдаги хотин-қизлар орасида биринчилардан бўлиб механизаторлик касбини эгаллади. 30 ёшида Ўзбекистон ССРда хизмат қўрсатган механизатор шарафли унвонига сазовор бўлди.

Тўхтахон Қирғизбоева жонқуяр ташкилотчи ҳандир. Деярли чорак асрдан бери шу совхозда зверо бошлиғи бўлиб ишламоқда. У раҳбарлик қилаётган коллектив пахтадан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келади. Шунинг учун ҳам зверо бошлиғининг кўксини Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени безаб турибди.

Тўхтахон опаннинг фарзандлари ҳам она изидан боришмоқда. Катта ўғли Бахтиёр звероада механизатор бўлиб ишлайди. Кичик ўғли Бобиржон Тошкент қишлоқ ҳўжайинчилиги институтини таълим олмоқдалар. Тўхтахон опаннинг ўзи ҳам ишлаб

чиқаришдан айрالمган ҳолда Тошкент қишлоқ ҳўжайинчилиги институтининг сўнгги курсида таҳсил қўрапти.

У бошлиқ зверо коллективни бу йил 90 гектар ернинг ҳар гектаридан палтади 30 ўринга 45 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган. Оғир ва мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай барча майдонларда чигит бир текисда ундириб олинди. Ҳозир далада рақамли механизаторлар гўза ниҳолларини парвариш қилишининг иккинчи циклини бошлаб юбордилар.

Тўхтахон Қирғизбоева совхоз партия комитетининг аъзоси, район Советининг депутаты, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг аъзосидир. У касаба союз етакчиси сифатида ишчилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларга ёрдам бериш, меҳнат иттизоминини мустаҳкамлаш, пахтакорлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириб, ҳўжайинчи ва маданий вазифаларини муваффақиятлик бажарилишини таъминлаш учун ҳаракат қилади.

СУРАТДА: Тўхтахон Қирғизбоева.
В. Молгачев фотоси.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР

● Кейинги ўн йил ичда социалистик мусобақа қатнашчиларининг сонини 1,5 миллион кишига, коммунистик меҳнат зарбдорларини сонини касабавар кўпайди. Ҳозир мусобақада 4 миллион 956 мингдан кўпроқ киши, коммунистик меҳнат ҳаракатида 3 миллиондан кўпроқ киши қатнашмоқда.

● Ҳозир республикада 10443 ўринли 130 та санаторий-профилакторий ишлаб турибди. 1984 йилда 88785 киши ва хизматчи давлат социал-страхованисини маблағларни ҳисобидан имтиёзли ва бепул путёвкелар билан санаторийларда даволандилар ва дам олдилар. Бу 1974 йилдагига қараганда икки баравар кўпроқдир. Дам олиш уйлари ва пансионатларида 30095 киши, туристик базаларида 49958 киши ҳордиқ чиқарди. Ўтган йилда 857283 ўқувчи пионер лагерларида, 72780 ўғил-қиз пионер санаторийларида ҳордиқ чиқардилар.

● 1983 йилда 140 мингдан кўпроқ ишлайдиган ёш болалар фарзандларини 1 ёшга тўлгунча берилмаган нафақа билан таъминландилар. 200 мингдан кўпроқ онага бир вақарнак берилмаган оширилган нафақа тўланди.

● Касаба союзлари ишда маданий-қўрашув мусасалари муҳим ўрни тутади. Ҳозир республикада 945 та клуб, маданият ўйи ва саройи, 1059 та кутубхона, 15 мингдан кўпроқ қизил бурчак меҳнаткашлар хизматиди.

● Жисмоний тарбия коллективлари сонини кўпайиб борибди. Ўтган йилда 5407 та кўнгилчи спорт жамаатига 2 миллиондан кўпроқ киши жалб қилинди.

● Кейинги ўн йил ичда касаба союзлари ташкилотларида коммунистик меҳнат мактаблари сонини аниқ кўпайди. 1973 йилда 8415 мактабга 280097 киши тортиланган бўлса, бу йил коммунистик меҳнат мактабларининг сонини 24 мингга етди. Ишлаб чиқариш ортиқчиларида 200 мингдан ортиқ мураббий иш олиб бормоқда. 5700 мураббийлар кенгаши, 1500 мураббийлар мактаби ишлаб турибди.

БИЗНИНГ ШАРҲ

Тамара Владимировна Шчербакова ўзининг бугун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини республика касаба союзлари билан боғлаган. У Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг ҳамда касаба союзлари Бухоро обаласте Совети Президиумининг аъзоси. Кишиларга тахир ва эътиборли.

Тамара Владимировна Бухоро обаластининг турли районларида — гоҳ корхона ва курилтишларда, гоҳ газчилар хузурида учратиш мумкин. Унинг актив иштироки билан обаласте меҳнат қўнғинчилигига қатъий ривож қилиш, меҳнатни муҳофазат этиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш, ишчи ва хизматчиларга маданий ва маънавий хизмат кўрсатиш аниқ яхшиланди.

Бухоро газчиларининг гайрати билан ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даврида шаҳар ва қишлоқларга 213 километр узунликда газ қувурлари ётқизилди. 4 миллион 599 миң сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Колхозлар ҳисобидан 70 километр узунликда газ линиялари барпо

қилинди. Бухоро шахрининг ўзида саноат корхоналари ва аҳолига 1 миллиард 140 миллион кубометр газ реализация қилинди. Бу муваффақиятларга Т. Шчербакованиннг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Тамара Шчербакова меҳнат қилаётган «Бухарагаз» идораси хонадонларини газлаштириш ва газ билан тўла таъминлаш ишларини яхши йўлга қўйган. Коллектив шу соҳада эришган муваффақияти учун шу йилнинг биринчи квартал натижалари бўйича обаласте партия комитети ва обаласте Совети ижроия комитети ҳамда газлаштириш ва газ таъминоти обаласте бирлашмасининг кўмаки билан тақдирланди. Газчилар шу кунларда съездида социалистик мусобақасига актив қўшилиб, «КПСС XXVII съездида — 27 зарбдор ўн кулик» ватанпарварлик ҳаракатида фаол иштирок этмоқдалар. ВЦПС аъзоси, коммунист Тамара Шчербакова ҳам ана шу мусобақада илгорлар сафида бориб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда.

ОММАНИНГ ЖОНЛИ ИЖОДИ

Касаба союзлари — энг оммавий ташкилот. Утган олтинчи йил мобайнида республика касаба союзлари катта шонли йўлни босиб ўтди. У амалда республикадаги барча меҳнаткашларни қамраб олди. Улар меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида қўла кўрсатмоқдалар, ҳўжайинчи, социал ва маданий вазифаларини ҳал қилишда қатнашмоқдалар, ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантириш йўлида кўп иш қилмоқдалар. КПСС XXVII съездида тайёргарлик борадида амалга оширилётган ишларда фаол қатнашаётганлар. Қўйида бу борада ибратли иш олиб бораётган касаба союз ташкилотлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Бригадаларо ҳамда механизаторлар ўртасида мусобақа бераётди, айниқса, яхши саманга бераётди. Совхоз дирекцияси ва касаба союз ташкилотини мусобақа шартлари қанчали бажариладиганини ҳар ўн кунда бир марта текшириб, яқун чиқармоқда. Мусобақа илгорларига агроучастка бўйича 150 сўм, бригадаларга эса 3 та кўча вимпел ва 100 сўмдан пул мукофотлари бериляпти. Юқорида қайд этилган бригадалар, шунингдек, механизаторлардан Ж. Ерниёзов, Я. Турдумуротов, Ш. Қўлимбетов, П. Қайиназаров, С. Қувончбоев кабиларнинг номлари шонли экниш ва дастлабки парваршиш пайтида мусобақа илгорлари сифатида совхоз «Хурмат тахтаси»га ёзиб қўйилди.

КПСС XXVII съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига совхозимиз бўйича 470 шонликор, чорвадор ва соҳибкорлар қўшилган. Уларнинг ҳар бири ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини ошириб бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Маъмурият ва касаба союз ташкилотини совхоз меҳнат аҳлининг яхши ишларини учун барча зарур шароитларни яратиб берган. Медицина, савдо, маънавий хизмат, кутубхоналар дала шийгонларига кўчирилди. Кўча киноматрули ишлаб турибди. Мусобақада голий чиққан илгор ишчиларга санаторий, дам олиш уйларида даволаниш ва ҳордиқ чиқариш учун навабатдан ташқари йўланма ҳам бериляпти. Ўтган йил давомида 250 дан кўпроқ шонликор Ватанимиз бўйлаб туристик саёҳатларда бўлиб қайтидилар.

Совхоз касаба союз ташкилотини социалистик мусобақа самарадорлигига эришишнинг таъсирчан воситаларини амалга оширишти. Экинга сифатли ишлов бериш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини пайсатириш учун барча ички резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда.

Совхоз касаба союз ташкилотини социалистик мусобақа самарадорлигига эришишнинг таъсирчан воситаларини амалга оширишти. Экинга сифатли ишлов бериш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини пайсатириш учун барча ички резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда.

Ҳаммаси интизомдан бошланади

Ишнинг муваффақияти қатъий интизомга боғлиқ. Меҳнат ва ишлаб чиқариш иттизоминини мустаҳкамлаш эса касаба союзларининг муҳим вазифаларидан биридир. Заводимиз касаба союз ташкилотини бу соҳада қўпгина ибратли ишларни қилмоқда. Ишчилар кенгаши, ўртоқлик суди, ҳалқ контроли гуруҳи, «Комсомол прожектори» ана шу муҳим ишга жалб этилган. Қўшма рейдлар, текширишлар цехларда иш вақтидан унумли фойдаланиш, машина ва ускуналанинги сабасиз тўхтаб қолмиш каби ҳолларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Цехларда иш шариоити яхшиланди. Айни пайтда сифатли иш қилаётган ва исрофгарчиликка йўл қўётган шахсларга, шунингдек, ичкиликбиларга қарши кураш ҳам кучайтирилди. Натияжада корхонада кадрлар қўнғинчилигини таъминлаш ва прогностик сонини кўпайтиришга қўшма кўмак берилди, шу йилнинг тўрт ойи давомида меҳнат унумдорлигини 12 процент ошди. Ишчиларнинг ишлаб чиқаришдан моддий манфаатдорлиги аниқ кўпайди.

Завод касаба союз комитети социалистик мусобақанинг тарбиявий ролидан ва таъсирчан кучидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, юқори меҳнат унумдорлигини

га эришиш йўлида омилкорлик билан фойдаланишмоқда. Қатъий интизом, аъло сифат ва юқори самарадорликни таъминлаш касаба союзни тижасини вақти-вақти билан на тижасини чиқариб бораётган мусобақанинг асосий шартларидандир. Шу шартлар ривож қилганлар голий санали, моддий ва маънавий рағбатлантириб бориляпти. Ўтган йили ва шу йилнинг тўрт ойи мобайнида мусобақа голийларига 42 миң сўм мукофот пули тақдим этилди. С. Сатторов, В. Гавриленко, Ҳ. Убайдуллаева, В. Пузаникова, Д. Шаипов ва бошқа ўнлаб ишчилар айни пайтда партиямиз навабатдаги съездин муносиб кўтиб олиш учун бошланган мусобақанинг олдинги сафларида бораётдилар. Касаба союз комитети ташаббуси билан корхонанинг бутун коллективни ана шу умумхалқ ҳаракатига қўшилди.

Қаерда қўлай иш шароити яратилган бўлса, ўша жойда ютуқлар ҳам кўпайди, меҳнат унумдорлиги мутасил ўсиб боради. Корхонамизда ишчи ва хизматчиларнинг ана шу соҳадаги талаб ва истаклари изчиллик билан амалга ошириляпти. Заваднинг янги корпуси ишга туширилиб, йиғув цехи унга қўшиб ўтган, унумли меҳнат қилиш учун зарур шароит яратилди. Завод қошида маънавий хизмат кўрсатиш комплекси қўриб олиш оғили қурилди. Завод касаба союз комитети ишчи ва хизматчиларнинг кўнгилли дам олишларини уюштиришда, уларни бепул ўйланмалар билан таъминлашда ҳам ҳам-ҳўхўрик қилишти.

Биз яқунловчи йилни аъло кўрсаткичлар билан тугаллаш ва КПСС XXVII съездин муносиб тўхталар билан кўтиб олиш учун социалистик мусобақанинг куч қўлоқ айдиравемиз.

С. ҚўРБОНОВА,
Самарқанддаги «Гелион» заводининг ишчиси.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР

● Республика касаба союзлари 6,4 миллион ишчи-хизматчи, колхозчи ва ўқувчининг ўз сафига бirlаштириган.

● Касаба союзлари ташкилотлари сифат состави йил сайин яхшиланиб бормоқда. Кейинги ўн йил мобайнида касаба союзлари гуруҳларини сонини 2 баравар кўпайди. Домий комиссиялар аъзоларининг сонини 1 миллион 650 миң кишига етди. Бошланғич ва чех касаба союз ташкилотларида 95,8 процент ходим жамоатчилик асосида ишламоқда.

● Илмий-техника жамаатлари ва ташкилотлари аъзолари бўлган 299 миңдан зиёд киши фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда қатнашмоқда. Ўтган йилда 64 миңдан кўпроқ иттироқи ва рационализатор техникавий ижодкорликда қатнашди. Жорий қилинган рационализаторлик тақлифлари ва иттироқлар 1976 йилдаги нисбатан 17,4 процент кўпайди.

ТАРБИЯ ҲОҶОҒИ

Касаба союзларини — бошқариш мактабини, коммунизм мактабини, деб таърифлашди. Мен бу фикрга тўла қўшилган ҳолда касаба союзларини — тарбия мактабини ҳам дейман. Бу мактабда миллион-миллион кишилар таълим олган. Мен ҳам ана шуларнинг бириман.

Бригадамизда мен билан 7 нафар касаба союз аъзоси бор. Араббой Умаров, Шаҳабиддин Аҳмедов, Олимжон Сиддиқов, Тўхтамурод Халиловлар сувчилик қилдилар. Хамиджон Қоробоев эса касаба союз гуруҳининг бошлиғи.

Ўтган касаба союз йиллигини КПСС XXVII съездин муносиб кўтиб олиш мавзусига бағишланди. Унда касаба союз аъзолари билан бирга бригадамизнинг барча комсомол-ешлари иштирок этдилар. Бригада пудрати асосида ишлаётган коллективимиз ўтган ҳўжайинчи йилида 47 центнерлик маррани егаллаб, ҳар бир сўм асосий иш ҳақида бир сўмдан кўшимча ҳақ олган эди. Бир центнер пахтанинг таннарни 25 сўмга тўғри келганиди.

АВТОРНИ ТАНИШТИРИМИЗ

Тўлабой Халилов — бир неча йилдан бери Москва районидagi «Правда» колхозинида комсомол-ешлар бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Пахта тайёрлаш ишларини сурункасига ошириб бажаради. У Андижон обаласте партия комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг аъзоси. Пахтачиларда эришган ютуқларини учун II ва III даража Меҳнат Шўҳрати орденлари билан мукофотланган. СССР Давлат мукофоти лауреати.

Бригадамиз КПСС XXVII съезди шарафига юксак мажбурият олди. Пахта ҳосилдорлигини ўтган йилдагидан 3 центнер ошириб, гектар бошига 50 центнерга кўтаришни мақсад қилиб қўйдик. Бу йил 110 гектар майдонга чигит экиб, тўла ундириб олддик. Ҳўзани сифатли янана

дан чиқардик. Биринчи комплекс ишлов тугалланди. Бригадамиз коллективини Фозилжон Иброҳимов бошлиқ бригада коллективини билан мусобақалашиб ишлаштириш. Мусобақадорларимиз 107 гектар ерда деҳқончилик қилдишти. Улар ҳам КПСС XXVII съездин 50 центнерлик маррани егаллаш билан кўтиб олишга аҳд қилганлар.

Колхозимизда «КПСС XXVII съездида — 27 зарбдор ўн кулик» мусобақаси қизғин тус олган. 972 касабачи овоз асосида мусобақада пешқадамлик қилишти. Колхоз касаба союз комитетини на 23 чех касаба союз гуруҳини колхозчиларининг меҳнат фаолиятини активлаштириш тадбирларини амалга оширмоқда.

Биз касаба союзларининг 60 йиллигини кўтаринки руҳ билан кўтиб олддик.

Тўлабой ХАЛИЛОВ,
Андижон обаласте, Москва районидagi «Правда» колхозининг бригадаси бошлиғи.

ДОРБОЗ ДОВРУҒИ

Тошкентда Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VI халқаро кинофестивали давом этётган кунлар эди. Журналистлар кўлумбиялик машҳур кинорежиссер Альфонсо Рентеридан интервью олишарди. Савол бериш навбати Москва радиосининг мухбирига келганда, у меҳмондан «Совет санъаткорларидан кимларни яхши биласиз ва севасиз?» деб сўради. Шунда Альфонсо Рентерия янграб кетди. «Бундай қадрдошларим кўп-да, қайси бирини айтсам экан?» деди. Сўнг Людмила Зикина, Алла Пугачёва, Игорь Мисеяев, Обиджон Тошкенов номларини тилга олди. Тошкенов ево номини эшитган, биз, ўзбекистонлик журналистлар хурсанд бўлиб, бир-биримизга қараб қўйдик. Унга Обиджон Тошкенов билан қаерда учрашганини, деган савол берилди.

— Менга у кишини топиб берсаларингиз айтман, — деб кудди меҳмон. Биз рози бўлдик. — Нобэ истёдол соҳиб Тошкенов ўз гуруписи билан мамлакатимизда гастролда бўлган. Шунда бошқа ватандошларимиз янгради мени ҳам унинг бетакор маҳорати қўйиб қолганман. Унинг икросида чинакам дорбозлик санъатини кўрганмиз. Ҳавода, арқон устида юриш, бир-бирдан мураккаб ўйинлар кўрсатиш... Тўғриси, биз, кўлумбияликлар кўзимизга нишонмаганмиз. Шундай санъаткорни билмасдан ёки севмасдан бўладими?!

Ҳа, Ўзбекистон ССР халқ артисти Обиджон Тошкенов ана шундай доврўқни санъаткор. Обиджон аканинг хизматларидан бири шундаки, у отаси — атоқли дорбоз, РСФСР ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Тошкенов Эгамбердиевнинг анъаналарини муносиб давом эттирди.

Ун ёшидан бошлаб акробатика ва ҳаво гимнастикаси билан шугулланди. Кейинчалик от устида ўйин кўрсатиш сирларини ҳам ўрганди. Аккалари — Қодиржон ва Шокиржонлар унга нисбатан анча тақрибали эдилар. Шунинг учун отаси Тошкенов ана ўзининг машҳур ўйинларини — номерларини энг аввало уларга ўргатди. Шунда бошқалик эмасми, бўлажак санъаткор «Мен акам-

лардан кимми» деб бир кун йитган. Кўп ўтмай, унга ҳам навбат келди. Тошкенов бошқа ака кичик ўғлининг баланд дор устидаги энгил, ўқтам ва даража харақатларини кўриб, ҳатто, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Обиджон пастта тушган. «Мана, сиз ҳам бизни йиғлатдингиз, дуранг», деб уни бағрига босди.

Ўзбек дорбозлик маданиятини ўрганган, тадқиқ этган олимлар уни санъат даражасига кўтаришда Обиджон Тошкеновнинг ҳал қилувчи роли ўйнаган, деган фикрни билдиришарди. Бу жуда тўғри хулоса. Ҳақиқатан ҳам Обиджон Тошкеновнинг йиллар оша халқ кўзи ўнгига жилданиб келган дорбозлик ўйинларига янгидан сайқал берди, уларни нафосат даражасига етказиш учун курашди. Санъаткор оддий ўйинларни ҳам юксак профессионал маҳорат билан икросида таъминлади. Қардош республикалар дорбозларининг маҳоратларини ҳам кўзатиб боради. Шу боисдан репертуаридаги ўйинлар икроси жиҳатидан ҳам, ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам ҳамма вақт бир-

дай эътиборга, оқшига сазовор. Тошкеновнинг яхши билиши, қайта-қайта кўришган—Обиджон ака дор устида бир оёқда туришдек ниҳоятда қаттиқ ўйинни ҳеч қанақа «чираниш»сиз икроси элади. Еки бўлмасам, дор устида кўзи боғлаб юришни олиб қўрайлик. Бу ҳам дорбозлик санъатининг энг қийин, энг мураккаб номери. Ленин мана шундай қаттиқ, ҳаяжонли ўйинни ҳам Обиджон ака санъаткорона бажаради. Дорбознинг мана шунки ўйинидан илҳомланган, чет эл газеталаридан бири «Бу ўйин эмас, қаҳрамонликдир» — деб ёзган эди.

Обиджон ака бугунги кунда «Тошкеновлар сулоласи» деб доврўқ таратган дорбозлар оиласининг сардоши. Унинг фарзандлари — Олимжон, Довоҳон, Жумабой, Алишер, Жамила, Мамбалак, невараси — Маликалар ҳам юксак профессионал маҳорат билан икросида таъминлади. Қардош республикалар дорбозларининг маҳоратларини ҳам кўзатиб боради. Шу боисдан репертуаридаги ўйинлар икроси жиҳатидан ҳам, ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам ҳамма вақт бир-

ва Обиджон аканинг усуллари, анъаналари шундоқ кўзга ташланиб туради. Улар Ўзбек дорбозлик санъатининг қадимги намуналарини ҳам ўрганиб, программаларига кириштириб келишяпти.

Дорбоз Тошкеновлар гуруписининг гастроль-маршрутлари Польша, Чехословакия, Колумбия, Бразилия, Перу, Эквадор, Аргентина, Уругвай ва бошқа хорижий мамлакатларга бориб етган. Чет эллик санъат мухлислари ўзларининг миллий байрамлари ва сайларига мамлакатимизнинг бошқа бадий коллективлари қаторида Тошкеновлар гуруписини ҳам тез-тез таклиф қилиб туришяпти.

Обиджон Тошкенов ҳозир Ўзбекистон ССР давлат циркига бадий раҳбар. Лекин дорбозликни ташлагани йўқ. Уни янада юксак кўчқиларга кўтариш учун ҳаракат қилмоқда, изланмоқда, курашмоқда. Обиджон Тошкеновнинг дор устидаги сервиси, бетакор ўйинларини кўраб эканмиз, хаёлимизга беихтиёр Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари келди:

Булуғларга ёндош, осмон остида Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз. Қилчичинг дамидади арқон устида Кўзларини юмиб юрибди дорбоз. Одамлар, одамлар, уни оқшиланг, Қаранг, у нақадар энгил ва ўқтам...

Ю. БЕРДИЕВ.



Суратда: О. Тошкенов шогирдлари билан цирк майдонида. С. МАҲКАМОВ ФОТОСИ.

А Ж А Б СА В Д О Л А Р

ОЛФИРЛАР

Мария Егорова оғир ҳўрсинди. Дард сўраб келмас экан. Неҳа кўндирки аҳволи ёмон, дармонсизликдан кўз олди қоронғиланиб, кўнгли озди. Врачлар унга чанкада (облешка) мойи буюришган. Бундай дорнинг номи бор-у, ўзи йўқ экан. Борми дорхонадан қилмаси. Ҳўш, энди нима қилсин? Ўзи область дорхоналар бошқармасида бош бухгалтер бўлиб ишламоқда, аримган шу дорни тополмасми? Жуда алам қиларкан.

«Бошлиққа кирай-чи, зора ёрдамлашсан!» У шу хаёл билан Исмомжон Худойбердиев хўзурига кирди. То арзияни айтганда хўзолатдан қора терга ботди.

— Ердам беринг, ўтинман, — деди у ёшвориб. — Дардимга чанкада мойи даво бўлармиш. Яхшилигини бир умр унутмайман.

Тошчи ҳам эриттудек бу илтижо Худойбердиевнинг кўнглида заррача шафқат уйғотмади. Кўнлидаги рўқсатини қандайдир музика оҳангига мос ўйнатиб, столга уриб тикилдатаркан, калондимоғлиқ билан деди:

— Афсус, ўртоқ Васенкова, сизга ердан кўрсата олмаيمان. Чанкада мойи алоҳида ҳўсбода. Маслаҳатим шу, у ёқ-бу ёқдан сўрашингиз, балки топилиб қолар.

Орадан кўп ўтмай бошлиқнинг илмомли «маслаҳат» бекиз эмас эканлиги маълум бўлди. Унинг кавибнетига инспектор Равиля Хабидуллоа — бошлиқнинг бошқарма аппаратидаги ишончли кишини, аннқроги қайинсининг хотини сўмаксанини ўйнатиб, йўлбайиб кириб келди. Дабдўрустан у ноб дорлар-дорлар савдосидан гал очди.

— Сизга чанкада мойи керак эмий деб эшитдим, Мария Егорова? Чиримдан қочмасангиз, топилади.

У себиниб, 100 граммлик дорини Хабидуллоадан 10 сўмга харид қилди. Шу тариқа кимдод ири савдоси авқ олди. Қадрлар бўлимининг бошлиғи Н. Воротицкая, экономист О. Кузасева, катта экономист Н. Арбузова ва бошқалар ҳам шундай доридан сотиб олишди.

3039 сўмлик фактураси мол операциясини амалга оширганлиги аниқланди. Бунинг устига дорхонада тайёрланган қўлгина дориларнинг яроқсизлиги маълум бўлди. Шунда ҳам ҳеч ким И. Самодовнинг муштунини лишиш демади.

Бир вақтлар область дорихоналар бошқармасига бошчилик қилган ва камбод дориларни таниш-билишларга оширган учун ишдан олинон Набия Саидова Бухоро шаҳридаги 60-дорхонага мудир этиб тайинланганди. У бу ерда ҳам иш кўрсатди. Дорхона оморидида фактураси моллар сақлаб, уларни истаган нархида сотди. Кўнларнинг бирида Саидованинг қўлимиллари фош бўлди. Афсуски, бу ҳақидаги материаллар тергов органларида ҳаракатсиз ётибди, унинг ўзи эса бошқармада назоратчи бўлиб ишлаб келяпти. Қинғирликда устаси фаранг — Гўржудон шаҳридаги 4-дорхонанинг собиқ мудир О. Азимов, Когон районидида 37-дорхона мудир И. Абдиевларга ҳам қўлимилларига яраша жазо берилмади.

Янгида Бухоро область партия комитети бюроси йиғилишида дорхоналар тўроқларида ўз бераётган қармоқ хато ва нуқсонлар атрофлича муҳоама қилиниб, беоморларни алдаб келган шахсларни нисбатан муросасозлик қилган область дорихоналар бошқармаси бошлиғи И. Худойбердиев вазифасидан четлатилди ва КПСС сафидан ўчирилди.

Республика дорихоналар бошқармаси Бухоро область тоғлини сақлаш бўлими, область дорихоналар бошқармаси раҳбарлари коллективда меҳнат иттифоқини мустаҳкамлаб, дорихоналар ишлари яхшиланб ва танқидчиларнинг медицина бўлими ва дорлар-дорларни сақлаш, реализация қилиниб, дахуз қатий тартиб ўрнатмаптилар. Маъжисбозлик, буйруқбозлик ва надрларни пошма-пошарлик билан алмаштиришдан нари ўтмаптилар. Қабул қилинаётган қарорлар қорозда қолиб кетяпти.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги. Дорхоналар коллективлари меҳнатчилар саломатлиги йўлида чинакам хизмат кўрсатмоқлари керак.

Х. ҚОДИРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

спорт

ФУТБОЛ: ҲУЖУМКОРЛИК САМАРАСИ

Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасига кирувчи командалар мамлакат чемпионатида дастлабки давраси ўйинларини муваффақиятли яқунлаш ҳаракат қилишмоқда. Маълумки, бу йил ушундай эшелон коллективларининг биринчилига йўлланма олиши қийинроқ бўлади. Сабаби, тўққиз зона гулаблари мавсум охирида биринчи лига вакиллари билан у йўлланма учун ўзаро баҳслашадилар.

Фарғонанинг «Нефтчи» ҳамда Халқobodнинг «Соҳибкор» командалари ҳужумкорликка эър бериб, мавқеларини тобора мустаҳкамламоқдалар. «Соҳибкор» футболчиларининг биринчи ҳам маълумиятга учрамаганини алоҳида таъкидлаш керак. Командаларнинг навбатдаги учрашувларидан кейин ўйинлар жадалли қийдагича манзара олди:

Table with 2 columns: Team Name and Score. Rows include Нефтчи, Соҳибкор, Зарафшон, Динамо, Целинник, Автомобилист, Хоразм, Шахрихончи, Сурхон, Хива, Наринановчи, Янгйер, Косонсойчи, Олой, Хўнанд, Олга, Геолог.



Шу кеча-қунавда республикамизда ҳаво кам булуғли бўлади. Фарғона водийсининг тоғли районларида момақалдиқроқ бўлиш, қисқа мудатли ёмғир ёғиб, бир оз дўл тушиш кутулади. Жануби-ғарбда секундида 7-12 метр-ғарбда шамол эсади. Кечаси 11-16, кундузи 28-33, жунбуда ва чўл зоналарида 36 даражача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво бир оз булуғли бўлади. Шарқда секундида 5-10 метр тегида шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ 27 МАЙ-2 ИЮНЬ

27 май, душанба
МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Футбол шарҳи. 10.10 — Телевизион бадий фильм. 11.15 — «Сабҳатчилар клуби». 12.15 ва 15.00 — Янгиланган. 15.20 — Телефильмлар. 15.55 — «Вил ва удала». 16.25 — «Буратино кўрғазмаси». 16.55 — Мультфильм. 17.05 — Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги. 17.35 — Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. 18.15 — «Ишлар ва одамлар». 18.45 — Телефильм премьераси. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Телефильм премьераси. 20.20 — «Эртага — Чегарачилар кўни». 20.35 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Телеспектакль премьераси. 23.45 — «Дунё воқеалари». 24.00 — Футбол шарҳи.
МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 ва 10.35 — Табиатушунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 14.00 — Француз тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — Ботаника. 5-синф. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — «Шахмат мактаби». 12.35 — Жамиятшунослик. 13.30 — Умумий биология. 14.30 — Тарих соҳифалари. 15.00 — В. В. Маяковскийнинг гражданий лирикаси. 16.00 ва 18.30 — Янгиланган. 18.45 — «...16 ёшгача».

28 май, сешанба
МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Буратино кўрғазмаси». 10.10 — «Кичик юлдузлар». Бадий фильм. 11.20 — Концерт. 12.00 ва 15.00 — Янгиланган. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — «Театр ва замон». 17.15 — «Стадион ҳамма учун». 17.45 — В. Моцарт. 38 — «Прага» симфониси. 18.15 — «Фан ва турмуш». 18.45 — Телефильм премьераси. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — А. Литвиненко куйлайди. 19.55 — «Иссиқсулнинг алвон лолалари». Бадий фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол. «Динамо» (Киев) — «Спартак».

29 май, чоршанба
МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Хайрулло оламида». 10.40 — «Иссиқсулнинг алвон лолалари». Бадий фильм. 12.15 ва 15.00 — Янгиланган. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «Хунар-техника билим юрларида нимага ва қандай қилиб ўргатилади». 16.30 — «Вам куралиши давом этади». 16.55 — «Вьетнамнинг анъанавий кўйроқ театри». 17.30 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.15 — «Эх, эркаклар, эркаклар...». 18.45 — «Сиз яратган боғ». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Мухбирларимиз хикоя қилдилар». 20.00 — «Динияни командирининг бир кўни». Бадий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Союзлар уйланиши Колониа заида М. А. Шолохов тугилган кунинг 80 йиллигига бағишланган кеча. 23.35 — «Дунё воқеалари».
МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Жамиятшунослик. 10.05 ва 14.10 — Немис тили. 11.05 — Тарих. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 9-синф. 12.05 — «Фан ва турмуш». 13.10 — Физика. 13.40 — Тележурнал. 14.40 — Ҳўрғуучига музика сагивони. 15.20 — И. Ильф ва Е. Петров. 16.15 ва 18.30 — Янгиланган. 18.45 — «Ҳам...

30 май, пайшанба
МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Кўнўқоқ стартлар». 10.25 — «Динияни командирининг бир кўни». Бадий фильм. 11.20 — Концерт. 12.00 ва 15.00 — Янгиланган. 15.20 — Ҳужжатли фильм премьераси. 15.40 — Тунис артистлари икроси элади. 15.55 — Рус тили. 16.25 — «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртанги кўни». 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Мультфильмлар. 18.30 — «Хўйирги давр ва ишчилар ҳаракати». 19.00 — «Кўнўқоқ нота». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Катталар учун мультфильм. 19.40 — «Нисон ва қонун». 20.10 — М. Матуковскийнинг авторлик нечаси. 21.30 — «Время». 22.05 — Кечанинг давоми. 23.15 — «Дунё воқеалари».
МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Е. Саржанцева чақиди. 9.35 — Ҳужжатли фильм. 10.00 — Концерт. 10.30 — Поэзия. 11.20 — Мультфильм. 11.40 — Фильм учун фильм. 14.30 — Янгиланган. 15.00 — Днепротроветекстелудсининг программаси. 16.00 ва 18.30 — Янгиланган. 18.45 — Вонс бўйича Европа чемпионати. 19.15 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Телефильм премьераси. 21.00 — Бонс бўйича Европа чемпионати. 21.30 — «Время». 22.05 — «Коломба». Бадий фильм. 3-серия. 23.00 — Сул полони бўйича халқаро турнир.

31 май, жума
МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Ҳўнўқоқ сифатли тоғларга етказиб берайлик». 10.10 — Вонс бўйича Европа чемпионати. 11.10 — «Поэзия». 11.40 — «Единганлар, ўртоқ». 12.40 — «Москвичи» телеклуби. 14.05 — «Намалак». 14.35 — Тележурнал. 15.05 — «Дунё воқеалари». 15.20 — Телевизион бадий фильм премьераси. 16.25 — «Муъжизаси-муъжизалар». 17.25 — Тележурнал. 17.55 — «Ҳўнўқоқ олами». 18.40 — Свейш шарҳловчи А. З. Ивашченко сўҳбати. 19.10 — «Визга дунени асраб қолш ваянғат қилинган». 20.15 — Бадий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Вонс бўйича Европа чемпионати. 23.20 — Тото Кутуйро куйлайди. 00.05 — Янгиланган.
МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Телефильмлар. 10.00 — Горький телестудиясининг программаси. 11.00 — «Тонгги почта». 11.30 — «Сабҳатчилар клуби». 12.30 — «Кинопаанорама». 14.10 — Телефильм премьераси. 14.30 — Муъжиза олиш спортни бўйича мусобақалар. 15.00 СССРда...

1 июнь, шанба
МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Кўнўқоқ сифатли тоғларга етказиб берайлик. 10.10 — Вонс бўйича Европа чемпионати. 11.10 — «Поэзия». 11.40 — «Единганлар, ўртоқ». 12.40 — «Москвичи» телеклуби. 14.05 — «Намалак». 14.35 — Тележурнал. 15.05 — «Дунё воқеалари». 15.20 — Телевизион бадий фильм премьераси. 16.25 — «Муъжизаси-муъжизалар». 17.25 — Тележурнал. 17.55 — «Ҳўнўқоқ олами». 18.40 — Свейш шарҳловчи А. З. Ивашченко сўҳбати. 19.10 — «Визга дунени асраб қолш ваянғат қилинган». 20.15 — Бадий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Вонс бўйича Европа чемпионати. 23.20 — Тото Кутуйро куйлайди. 00.05 — Янгиланган.
МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Телефильмлар. 10.00 — Горький телестудиясининг программаси. 11.00 — «Тонгги почта». 11.30 — «Сабҳатчилар клуби». 12.30 — «Кинопаанорама». 14.10 — Телефильм премьераси. 14.30 — Муъжиза олиш спортни бўйича мусобақалар. 15.00 СССРда...

2 июнь, якшанба
сериялар. 21.30 — «Время». 22.05 — Кулги нечаси». 23.15 — Янгиланган.
МОСКВА-II. 9.00 — «Заридица сафалининг». 9.15 — «Рама» ларда кўнўқоқ ака бор». 9.30 — Ритмик гимнастика. 10.00 — «Рус тили». 10.30 — Коллеж. 11.00 — Телефильмлар. 11.20 — Концерт. 12.00 — «Кинотомошабин хамроҳи». 12.45 — «Б-студия». 13.45 — Мультфильмлар. 15.10 — «Хайрулло оламида». 16.10 — «Намалак». 16.40 — Мультфильм. 16.50 — «Дунё ва ёшлар». 17.25 — Г. Свиридов. 18.15 — «Ҳўнўқоқ...

РАДИО
26 МАЙ, ЯКШАНБА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «1985 йил кўнўқоқлари». 9.15 — «Табасум». 10.15 — Москва. «С добрым утром!». 11.30 — «Ешлик куйлайди». 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — Музикали программа. 14.00 — Қўнўқоқ хўжалик ходимлари учун эштитириш. 15.40 — «Етти миллион умр». Спектакль. 16.50 — «Человек в музине». 18.15 — «Халқ...